

## ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

2017 йил январь-сентябрь

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 170 074,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,3 фоизни ташкил этди.

Январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми қуйидагича ифодаланади (млрд.сўмда):




2017 йилнинг январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМнинг ўсиш суръатлари қуйидагича ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда):



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,5%, (ЯИМ таркибидаги улуши – 16,9%), саноат – 104,1% (25,0%), қурилиш – 105,3% (7,4%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,5% (11,6%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,3% (13,1%) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,0% (26,0%) ни ташкил қилди.

Январь–сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):



2017 йилнинг январь-сентябрида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 50,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,6 фоиз пунктга камдир (51,3 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,6 фоиз пунктга камайди ва ҳисобот даврида 13,1 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 фоиз пунктга ошди ва 11,6 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь-сентябрдаги 26,5 фоиздан 2017 йил январь-сентябрда 26,0 фоизга тушди.

Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 80,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,7 фоизи – давлат секторига тўғри келди.